116	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари ва ҚҚСни ихтиёрий асосда тўловчи ЯСТ тўловчилари	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик сервис хизмати томонидан кейинчалик чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга реализация қилиш учун олинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда ноль даражали ставка қўлланилиши татбиқ этиладиган Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган чет эл дипломатик ваколатхоналарининг ва дипломатик ваколатхоналарига тенглаштирилган халқаро ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 214-моддаси 2 қисми
117	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари ва ҚҚСни ихтиёрий асосда тўловчи ЯСТ тўловчилари	Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, "божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимида жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар қайта ишлаш маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган бўлса, ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 215-моддаси
118	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари ва ҚҚСни ихтиёрий асосда тўловчи ЯСТ тўловчилари	Халқаро йўналишда ташишлар бўйича кўрсатиладиган қуйидаги хизматларни реализация қилиш оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади: транзит юкларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ташиш. Транзит юкларни ташиш жумласига юкнинг транзитини амалга ошириш учун чет эллик шахслар билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар ёки халқаро (идоралараро) транспорт битимлари ҳамда божхона органларининг мазкур транзит юклар ҳақиқатда олиб кирилганлиги ва олиб чиқилганлиги тўғрисида белгилари мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет эл транзит юкларини ташиш ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар киради; йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш. Агар жўнатиш пункти ёки тайин этилган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, ташишлар ягона халқаро ташиш ҳужжатлари асосида расмийлаштирилган тақдирда, халқаро йўналишларда ташиш ҳисобланади;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 216-моддаси
119	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари ва ҚҚСни	Сув таъминоти, канализация, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларга, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли номидан оладиган	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг

	ихтиёрий асосда тўловчи ЯСТ тўловчилари	ана шундай хизматларга ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади;		217-моддаси
120	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари ва ҚҚСни ихтиёрий асосда тўловчи ЯСТ тўловчилари	Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига реализация қилиш оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 217-моддаси
АКЦИЗ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР				
Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:				Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 230-моддаси
121	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 230-моддаси 1-банди
122	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарт билан "божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 230-моддаси 2-банди
123	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари ва содалаштирилган тартибда солиқ тўловчилар	Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида; давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан ҳайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида; Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган заёмлар (кредитлар) маблағлари ҳисобига, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кирилатган, акциз тўланадиган товарларни импорт қилишга;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 230-моддаси 3-банди
124	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари ва содалаштирилган тартибда солиқ тўловчилар	акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб кириш нормаларининг энг юқори чегараси конун ҳужжатларида белгиланади;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 230-моддаси 4-банди
125	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари ва содалаштирилган тартибда солиқ тўловчилар	ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 230-моддаси 5-банди
СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР				
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидагилар озод қилинади:				Ўзбекистон Республикаси

				Солиқ кодексининг 261-моддаси 1 қисми	
126	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернobilчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган корхоналар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳукуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига шtatда бўлган ходимлар киритилади;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 261-моддаси 1 қисми 1-банди	
127	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	сув учун бюджетга солиқ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 261-моддаси 1 қисми 2-банди	
128	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган сувдан иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 261-моддаси 1 қисми 3-банди	
129	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	ихтиёрий тугатилаётган юридик шахслар - тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан.	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 261-моддаси 1 қисми 4-банди	
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база қуйидаги ҳажмларга камайтирилади:				Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 261-моддаси 2 қисми	
130	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари ҳажмига, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 261-моддаси 2 қисми 1-банди	
131	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	дори воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 261-моддаси 2 қисми 2-банди	
132	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқазиб олинadиган ер ости сувлари ҳажмига, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми бундан мустасно;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 261-моддаси 2 қисми 3-банди	
133	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш вақтида чиқазиб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайтариб қуйиладиган ер ости сувлари ҳажмига, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 261-моддаси 2 қисми 4-банди	
134	Умумбелгилан-	гидроэлектр станциялари	гидравлик	Доимий	Ўзбекистон

	ган солиқлар тўловчилари	турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;		Республикаси Солиқ кодексининг 261-моддаси 2 қисми 5-банди
135	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	кишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига.	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 261-моддаси 2 қисми 6-банди
ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР				
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг қийматига камайтиради:				Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми
136	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	уй-жой-коммунал хўжалиги объектларининг. Уй-жой-коммунал хўжалиги объектларига қуйидагилар киради: уй-жой фонди, водопровод тармоқлари (сув чиқариш иншоотлари билан), канализация тармоқлари (тозалаш иншоотлари билан), газ ва иссиқликни тақсимлаш тармоқлари (улардаги иншоотлар билан), коммунал-маиший эҳтиёжлар учун қозонхоналар (шу жумладан асбоб-ускуналар);	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 1 банди
137	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот соҳасига кирадиган ижтимоий-маданий соҳа объектларининг;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 2 банди
138	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	юридик шахсларнинг маданият муассасалари, мактабгача ва умумтаълим ўқув муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулкининг;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 3 банди
139	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	кишлоқ хўжалиги (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик) маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун фойдаланиладиган кишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган мол-мулкнинг;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 4 банди
140	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари объектларининг;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 5 банди
141	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	алоқа йўлдошларининг;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 6 банди
142	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектларнинг. Объектларни табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадлари ва ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектларга киритиш тегишли	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси

		табиатни муҳофаза қилиш ёки давлат ёнгин назорати органининг маълумотномаси асосида амалга оширилади;		1 қисми 8 банди
143	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва автомобиль йўллари, магистраль трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линияларининг, шунингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 9 банди
144	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 10 банди
145	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 11 банди
146	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларнинг;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 12 банди
147	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган шаҳар йўловчилар транспорти ташкилотлари транспорт воситаларининг (автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен поездлари);	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 13 банди
148	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	тузилган шартномаларга мувофиқ юридик шахснинг буюртмаси бўйича ишлар бажариш учун касаначиларга бепул фойдаланишга берилган асбоб-ускуналарнинг (фойдаланиш даврига);	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 14 банди
149	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-кидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 15 банди
150	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	ишлаб чиқаришга янги жорий этилган янги технологик жиҳозларнинг, беш йиллик муддатга.	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 1 қисми 16 банди
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қуйидагилар озод қилинади:				Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 2 қисми
151	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ҳамда ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият ва санъат ташкилотлари;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 2 қисми 1 банди

152	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги корхоналари. Уй-жой-коммунал ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжаликлари жумласига уй-жой фондини бевосита бошқариш, сақлаш ҳамда ундан фойдаланишни амалга оширувчи ташкилотлар, санитария тозалаш ва йиғиштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шаҳарлар ҳамда шаҳарчаларни ташқи ёритиш, водопровод сув олиш иншоотларидан, таксимланадиган тармоқлардан (тозаловчи иншоотлари билан) фойдаланиш ва сувни таксимлаш, канализация тармоқларидан фойдаланиш (тозалаш иншоотлари билан), газ таксимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ҳамда газни таксимлаш, қозонхона, иссиқлик таксимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ва коммунал-маиший эҳтиёжларга ҳамда аҳолига иссиқликни таксимлашни бевосита амалга оширувчи ташкилотлар, хизмат биноларининг хўжалик бошқармалари, ўт ўчириш командалари, уй-жой-коммунал хўжалигининг хўжалик бошқармалари, уй-жой-коммунал хўжалиги ва шаҳар хўжалигининг умумфуқаровий аҳамиятга молик бошқа корхоналари киради;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 2 қисми 2 банди
153	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернobilчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 2 қисми 3 банди
154	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	янги ташкил этилган корхоналар - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз қайта ташкил этилган юридик шахслар негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек бошқа корхоналар ҳудудида шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларга нисбатан қўлланилмайди;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 2 қисми 4 банди
155	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларини - юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 269-моддаси 2 қисми 5 банди
ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР				
Ер солиғи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:				Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 1 қисми
156	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари - ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланадиган ер участкалари учун;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг

				282-моддаси 1 қисми 1 банди
157	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернobilчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил қилган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 1 қисми 2 банди
158	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	янги ташкил этилган деҳқон хўжаликлари - давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан эътиборан икки йилга;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 1 қисми 3 банди
159	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан.	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 1 қисми 4 банди
Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар киради:				Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми
160	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг умумий фойдаланишдаги (кириш йўллари, суғориш ариқлари, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар), жамоа гаражларининг ерлари;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 1-банди
161	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари, бундан хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар мустасно. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари жумласига давлат кўрикхоналарининг, комплекс (ландшафт) буюртма кўрикхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма кўрикхоналарининг (овчилик хўжаликларида ташкил этиладиган буюртма кўрикхоналари бундан мустасно), табиий питомникларнинг ер участкалари киради;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 2-банди
162	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) - тегишли муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда доимий фойдаланишга берилган, профилактика ва даволаш ишларини ташкил этиш учун қулай табиий шифобахш омилларга эга бўлган ер участкалари;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 3-банди
163	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	рекреация аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) - аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасалар ҳамда ташкилотларга берилган ерлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 4-банди
164	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) - тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган тарихий-маданий кўрикхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари,	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси

		тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар;		2 қисми 5-банди
165	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	сув фонди ерлари. Сув фонди ерлари жумласига сув ҳавзалари (дарёлар, қўллар, сув омборлари ва бошқа шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув хўжалиги эҳтиёжлари учун юридик шахсларга белгиланган тартибда берилган сув ҳавзалари ҳамда бошқа сув объектлари сохиллари бўйлаб ажратилган минтака ерлари киради;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 6-банди
166	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 7-банди
167	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	умумдавлат алоқа линиялари (ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радификациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, тақсимлагич шкафлар, ерга улаш контури қутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 8-банди
168	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш объектлари эгаллаган ерлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 9-банди
169	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эгаллаган ерлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 10-банди
170	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти қурилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўллар станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 11-банди
171	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан жамоат транспорти бекатлари ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 12-банди
172	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари ҳамда ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 13-банди
173	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва канализация иншоотлари: магистрал сув қувурлари, водопровод тармоқлари, канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, насос станциялари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, водопровод ва канализация тармоқларидаги қузатиш қудуқлари ва дюкерлари, сув босими ҳосил	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 14-банди

		қиладиган миноралар ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;		
174	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан компрессор, насос станциялари, ёнғинга қарши ва аварияга қарши станциялар, трубопроводларни катодли ҳимоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан, трубопроводларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 15-банди
175	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	магистрал иссиқлик трассалари, шу жумладан насос (кўпайтирувчи, камайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж) станциялари, иссиқ сув таъминотининг иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлари, циркуляция насослари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 16-банди
176	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлқалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 17-банди
177	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар, норматив қурилиш муддати даврида;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 18-банди
178	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар, уларнинг консервацияси даврида;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 19-банди
179	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 20-банди
180	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	юрidik шахс балансида бўлган ва ҳўжалик фаолиятида фойдаланилмайдиган фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик аҳамиятига молик алоҳида жойлашган объектлар эгаллаган ерлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 21-банди
181	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	ихота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар. Ихота ўрмон дарахтзорлари жумласига қуйидагилар киради: ўрмонларнинг дарёлар, қўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари сохиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари; ўрмонларнинг овладидиган қимматли баликлар увилдирик сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари; эрозиядан сақлайдиган ўрмонлар; ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган ихота минтақалари; чўл ва чала чўл зоналаридаги ўрмонлар; шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлари; шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг қўкаламзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонлар; сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар; курорт табиий ҳудудларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш теграсидаги ўрмонлар; алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонлар; илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 22-банди

182	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 23-банди
183	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 24-банди
184	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	янги барпо этилаётган боғлар, тоқзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 25-банди
185	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжалиklarининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. Ушбу бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навларнинг селекцияси ўтказилиши учун ҳамда мавзулари тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ҳамда дарахтзорлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод қилинади.	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддаси 2 қисми 26-банди
ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР				
186	Умумбелгиланган солиқлар тўловчилари	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 298-моддаси
ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР				
Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари қуйидаги тўловларга нисбатан ҳисобланмайди:				Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 308-моддаси
187	Юридик шахслар	Солиқ кодекси 174-моддасининг 5, 8, 9, 11 ва 12-бандларида кўрсатилган компенсация тўловлари;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 308-моддаси 1-банди
188	Юридик шахслар	ходимга ҳисобланадиган ва унинг розилиги билан тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларга (шанбаликлар, яқшанбаликлар ва шу қабилар учун) ўтказиладиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг

				308-моддаси 2-банди
189	Юридик шахслар	ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 308-моддаси 5-банди
190	Юридик шахслар	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг оддий, сержант ва офицер таркибларида хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 308-моддаси 6-банди
191	Юридик шахслар	қуйидаги грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар: давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари; Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари.	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 308-моддаси 7-банди
АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ОЛИШ ВА (ЁКИ) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИГА ВАҚТИНЧАЛИК ОЛИБ КИРИШ УЧУН ЙИҒИМЛАРДАН ИМТИЁЗЛАР				
Автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси худудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғимни тўлашдан қуйидагилар озод қилинадилар:				Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 324-моддаси
192	Жисмоний шахслар	ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қўл билан бошқаришга мослаштирилган енгил автомобилни ва (ёки) мотоаравачани олувчи барча гуруҳлардаги ногиронлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 324-моддаси 1-банди
193	Жисмоний шахслар	ихтисослаштирилган савдо тармоғидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган янги автомобиль олувчи фуқаролар, шунингдек яқин қариндошларидан ҳаё шартномаси ёки мерос асосида автомобиллар ва мотоаравачаларни олувчи фуқаролар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 324-моддаси 2-банди
194	Юридик шахслар	умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллариини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуришни амалга оширувчи ихтисослаштирилган йўл хўжалик бошқаруви органи тузилмасига қирадиган корхоналар - мазкур ишларни амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган автотранспорт воситалари бўйича;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 324-моддаси 3-банди
195	Юридик шахслар	фаолиятининг асосий тури йўловчилар ташиш бўлган, қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчилар ташиш учун белгиланган намунадаги лицензияга эга бўлган автотранспорт корхоналари - йўловчилар ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари бўйича (енгил автомобиллар ва йўналишли таксилардан ташқари);	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 324-моддаси 4-банди
196	Юридик	юридик шахслар - қирқ тоннадан ортиқ юк кўтарадиган,	Доимий	Ўзбекистон

	шаҳслар	олинган кон автосамосваллари бўйича;		Республикаси Солиқ кодексининг 324-моддаси 5-банди
197	Юридик шаҳслар	хомийлик (беғараз) ёрдами сифатида автомобилларни олган (сотиб олган) болалар уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, ногирон болалар учун марказлар, қариялар ва кичик ёшдаги ногиронлар учун интернат-уйлар, шунингдек бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасалари;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 324-моддаси 6-банди
198	Юридик шаҳслар	юридик шаҳслар - автотранспорт воситаларини битта тизим (давлат ва хўжалик бошқаруви органи) ичида баланسدан балансга бепул ўтказишда;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 324-моддаси 7-банди
199	Юридик шаҳслар	қайта ташкил этиш натижасида автотранспорт воситасини олган ҳуқуқий ворис;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 324-моддаси 8-банди
200	Юридик шаҳслар	автотранспорт воситаларини ушбу модданинг 3-5-бандларида кўрсатилган юридик шаҳсларга лизингга бериш учун олувчи лизинг берувчилар.	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 324-моддаси 9-банди

ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:				Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми
201	ЯСТ тўловчилари	устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки микдоридан) ортик суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган маблағлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 1-банди
202	ЯСТ тўловчилари	муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқарилаётганда), шунингдек тугатилаётган юридик шахсининг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 2-банди
203	ЯСТ тўловчилари	шартнома муассислари (иштирокчилари) умумий мулкидаги ҳиссаси қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) томонидан ҳиссаси микдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 3-банди
204	ЯСТ тўловчилари	реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бўнак) тариқасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 4-банди
205	ЯСТ тўловчилари	мулк ҳуқуқи уларга ўтган пайтга қадар мажбуриятларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров	Доимий	Ўзбекистон Республикаси

		ёки закат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк хуқуқлар);		Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 5-банди
206	ЯСТ тўловчилари	бюджетдан берилган субсидиялар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 6-банди
207	ЯСТ тўловчилари	агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулк хуқуқларни) ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк хуқуқлар), ишлар ва хизматлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 7-банди
208	ЯСТ тўловчилари	олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 8-банди
209	ЯСТ тўловчилари	суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 10-банди
210	ЯСТ тўловчилари	воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатишга оид бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек комитент ёхуд бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (ҳақ тўлови бундан мустасно);	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 11-банди
211	ЯСТ тўловчилари	объект қийматининг ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қопланиши;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 12-банди
212	ЯСТ тўловчилари	телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 13-банди
213	ЯСТ тўловчилари	ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) унинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу маблағлар солиқ солиш объектига киритилади ва уларга солиқ солиниши лозим	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 14-банди
214	ЯСТ тўловчилари	инвестор билан давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.	Доимий	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 355-моддаси 4 қисми 15-банди

215	ЯСТ тўловчилари	<p>Ягона солиқ тўловини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти ҳамда лотереялар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.</p>		Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 358-моддаси
ЯГОНА ЕР СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР				
216	Ягона ер солиқ тўловчилар	<p>Ягона ер солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:</p> <p>Солиқ кодексининг 362-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган шартларга мувофиқ келган тақдирда, янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан бошлаб икки йил муддатга. Мазкур имтиёз тугатилган фермер хўжаликлари базасида ташкил этилган фермер хўжаликларига татбиқ этилмайди; ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.</p> <p>Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар - ягона ер солиғи тўловчиларга Солиқ кодексининг 282-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳам татбиқ этилади.</p>		Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 367-моддаси